Алексей Федорович Козловский (1905—1976) — один из русских музыкантов, работавших в Узбекистане, композитор, дирижер, педагог, чья деятельность связана со становлением и развитием узбекского профессионального искусства. Его разнообразное по жанрам творчество включает оперу «Улугбек», балет «Танавар», симфонические поэмы «Танавар», «Достан», «По прочтении Айни», «Индийскую поэму», симфоническую сюиту «Лола», две каракалпакские сюиты, обработки для голоса с симфоническим оркестром, музыку к кинофильмам, спектаклям и другие сочинения.

Опера «Улугбек» (либретто Г. Герус и А. Козловского, 1942, вторая редакция — 1958, поставлена в театре оперы и балета имени А. Навои) была значительным явлением в музыкальной жизни Узбекистана в послевоенный период. В основе произведения лежат исторические события, связанные с жизнью и деятельностью выдающегося ученого-гуманиста и государственного деятеля XV века Мухаммеда Тарагая Улугбека, трагически погибшего в остром столкновении с реакционными фанатиками. Масштабная четырехактная опера написана в русских классических традициях. Она выявляет высокий профессионализм композитора. Либретто насыщено острыми драматическими коллизиями. Музыкально-драматургическое развитие устремленно и напряженно. Основной конфликт — конфликт социального порядка — раскрывается в произведении как конфликт интонационный. Лирическая линия сюжета связана с образом прекрасной Син-Дун-Фан, подаренной Улугбеку китайским императором.

В хрестоматии дана праздничная и яркая сцена из первого действия: Тимуриды — приверженцы Улугбека — и гости Самарканда собрались на площади по случаю торжественного открытия нового медресе. Собравшиеся встречают возвращающегося с охоты Улугбека. Его выход сопровождается хором-славлением. Клавир оперы издан (М., 1961).

Об оркестровом письме композитора известное представление дают два произведения — симфоническая поэма «Танавар» (1951) и вторая «Каракалпакская сюита» (1962). Первое из них представляет собой обработку известной народной лирической песни, позже вошедшей в балет того же названия (1971). Поэма — один из ярких образцов мастерского развития народного мелоса, отмеченный изысканной красочностью гармонических и оркестровых средств. В хрестоматию включен фрагмент поэмы. Партитура издана (М., 1959). «Каракалпакская сюита» № 2, из пяти частей, основана на развитии каракалпакских народных песен и инструментальных мелодий, записанных самим композитором. Нами приводится вторая часть — «У соленых озер». Переложение для фортепиано сделано с партитуры, рукопись которой хранится в библиотеке Союза композиторов УзССР.

Георгий Александрович Мушель (р. 1909) — один из самых ярких и самобытных композиторов Узбекистана, работающий почти во всех жанрах. Он автор четырех балетов («Балерина», 1952,— первый национальный балет, «Цветок счастья», «Кашмирская легенда», «Самаркандская легенда»), трех симфоний (№ 1, 1938,— первая в республике симфония на узбекском материале), шести фортепианных и одного скрипичного концертов, камерных сочинений, в том числе циклов фортепианных пьес и романсов, и т. д.

Г. Мушель по праву считается основоположником жанра инструментального концерта в Узбекистане. Одним из лучших произведений композитора и концертной литературы в республике является концерт № 4 для фортепиано с оркестром (1950). Синтез национального (опора на узбекский мелос) и традиций общеевропейской (в первую очередь русской и советской) классики, определяющий своеобразный стиль композитора, характеризует и это сочинение. В хрестоматии приводится фрагмент финала, исполненного жизненной энергии и силы. Концерт издан (М., 1954).

Весомым вкладом Г. Мушеля в фортепианную музыку стал цикл из 24 прелюдий и фуг для фортепиано (70-е годы) — первый цикл подобного рода в Узбекистане. В хрестоматию включены прелюдия и фрагмент фуги до минор, посвященные памяти А. Навои. В элегической прелюдии ощутимы скрытые черты траурного марша. Фуга начинается речитативом, еще дважды появляющимся на ее протяжении; речитатив — слово оратора — прерывается аккордовыми последованиями — голосами масс. Из речитатива рождается тема драматичной трехголосной фуги. Цикл издан (М., 1978).

Минасай Левиев (р. 1912) — композитор старшего поколения, отличающийся ярким мелодическим даром,— тяготеет к песенному и музыкально-театральному жанрам. Левиев — автор музыкальных драм и комедий, балета «Сухайль и Мехри», музыки к драматическим спектаклям и кино, кантат («Светлый путь» и «Белое золото»), песен, романсов, камерных сочинений.

Музыкальная комедия «Золотое озеро» М. Левиева («Олтин кўл», либретто Уйгуна, поставлена в первой редакции в 1949 году на сцене театра имени Мукими, во второй — в 1952 году там же), наряду с драмами «Любовь к Родине» С. Бабаева и «Материнское поле» Ик. Акбарова, показательна для послевоенного периода как произведение этого жанра, написанное на современную тему — к тому же узбекским композитором без соавторства, что было характерно в предшествующие периоды. «Золотое озеро» — первая узбекская музыкальная комедия. Посвящается труженикам села. Музыка ярко национальна, мелодична, легко запоминающаяся. Песни, арии, дуэты близки популярным народным мелодиям и вместе с тем самобытны. В хрестоматии приводится квартет Каромат, Сарви, Якуба и Камбара «Птичку поймали» («Чий тутдик») из третьего действия, решенный в виде диалога Каромат и Сарви, с одной стороны, и Якуба и Камбара — с другой в духе народных песен — лапаров. Квартет издан в сб.: Левиев М. Отрывки из музыкальной драмы «Олтин кўл». Ташкент, 1979.

Муталь (Мутаваккил) Бурханов (р. 1916) — композитор яркого самобытного дарования, в основе творческих интересов которого лежит вокальная музыка, автор Государственного гимна Узбекской ССР, «Оды партии Ленина» (1959), положившей начало узбекской музыкальной «Ленинианы», хоров а капелла, романсов, песен, инструментальных пьес. Бурханов сказал новое слово в интерпретации восточного народного мелоса средствами многоголосного искусства, что особенно отчетливо проявилось в хорах а капелла.

В хрестоматию включены первая часть трио для скрипки, виолончели и фортепиано, обработка узбекской народной песни для хора без сопровождения «Друзья мои» («Ёрларим»), романс «Не улыбнулась ты» («Табассум қилмадинг»).

Трио (1940) — первый образец циклической камерно-инструментальной музыки в Узбекистане, основанной на авторском тематическом материале. Оно двухчастно: первая часть — романтически взволнованное, эмоционально выразительное Moderato, основанное на одной певучей теме, вторая часть — Allegro, пронизанное танцевальными ритмами. Первая часть издана в виде отдельной пьесы (Ташкент, 1979).

Обработка «Друзья мои» на слова узбекского поэта второй половины XIX века Мукими входит в цикл шести обработок песен народов Советского Востока для хора а капелла (1952). С появлением этого цикла связано рождение в Узбекистане жанра хоров а капелла. Композитор средствами полифонической и гармонической многоголосной фактуры раскрывает глубокие черты национальной песенности. Так, на протяжении приводимой нами обработки он применил остинато басов, имитирующих мелодизированный вариант усуля. Цикл издан (Ташкент, 1954).

Романс «Не улыбнулась ты» (1946) на слова А. Навои — один из лучших образцов вокальной лирики М. Бурханова и романсового творчества Узбекистана в целом, формирующегося здесь в послевоенный период (Д. Закиров, С. Юдаков, позднее Ик. Акбаров, С. Бабаев и другие). Уходя корнями своими в национальную почву, этот жанр испытал в то же время определенное воздействие русской камерно-вокальной лирики. Проникновение в душевный мир человека, тонкое воплощение различных эмоциональных состояний — от тихой жалобы в начале до напряженного драматизма в конце произведения — характеризуют названный романс Бурханова. Издан в сб.: Бурханов М. Край мой любимый. Ташкент, 1969.

Соломон Александрович Юдаков (р. 1916) — талантливый композитор с сочным, ярко индивидуальным музыкальным языком, многогранным творческим диапазоном, тяготеющий, однако, к жанрам вокальной музыки, автор многих романсов, песен, вокально-симфонических произведений (кантаты «Победа», «Моя Родина», «Памяти Ленина», сюита «Мирзачуль»), первой узбекской комической оперы «Проделки Майсары», балетов «Живое пламя» и «Юность Насриддина», балета-оратории «Победа», музыки к кинофильмам, а также камерно-инструментальных сочинений.

В хрестоматии представлены пролог оперы «Проделки Майсары», первая часть — «Марш мирзачульских комсомольцев» — из сюиты «Мирзачуль», «Молодежная песня о партии».

Опера С. Юдакова «Проделки Майсары» (либретто С. Абдуллы и М. Мухамедова по одноименной пьесе Хамзы) — первая и пока единственная комическая опера в Узбекистане. Фабула произведения построена на осуществлении молодой вдовушкой Майсарой хитроумного плана, направленного на защиту двух влюбленных — ее племянницы Айхон и ее жениха Чубона — против алчного и ненасытного судьи (Казия) и его сподвижников. В прологе комедии по очереди представляются основные герои с их лейтмотивными характеристиками. Опера была поставлена в 1959 году на сцене театра оперы и балета имени А. Навои, ставилась театром «Ромэн», театрами Туркмении, Киргизии и Башкирии, а также в Лодзи (ПНР). Клавир оперы издан (М., 1961).

Сюита «Мирзачуль» (1951) на слова Г. Гуляма возникла в период становления кантатного жанра в Узбекистане («Светлый путь» и «Белое золото» М. Левиева, «Хлопкоробы за мир» Д. Сааткулова, «Праздник урожая» С. Бабаева) и выделилась из числа ранних кантат высокой художественностью выразительных средств и подлинным демократизмом, сделавшими ее одним из самых репертуарных произведений. Сюита посвящена теме освоения Голодной степи. Она имеет шесть частей, каждая из которых воссоздает картину из жизни новоселов. Сочинение удостоено Государственной премии СССР за 1951 год. Клавир сюиты издан (Л., 1951).

«Молодежная песня о партии» («Партия ҳақида ёшлар қўшиғи», 1954) на слова А. Мухтара выделяется в ряду созданных в послевоенные годы в Узбекистане песен-гимнов, песен-маршей, посвященных Ленину, партии, Родине. В музыке органично сочетаются элементы традиционного узбекского фольклора со стилистическими чертами нового для республики жанра (чеканность ритма, активные квартовые интонации и т. д.). Издана в сб.: Песни Узбекистана. Киев, 1972.

Сабир Бабаев (р. 1920) — композитор, тяготеющий в своем творчестве к темам современности, автор многих сочинений, среди которых преобладают вокальные жанры. Ему принадлежат три оперы («Хамза», детская опера-сказка «Расколись, камень», «Ценою жизни»), несколько музыкальных драм, вокально-симфонические и симфонические произведения, хоры, песни.

Музыкальная драма С. Бабаева «Любовь к Родине» («Ватан ишқи», либретто З. Фатхуллина и Ш. Сагдуллы, поставлена в 1957 году в театре имени Мукими) явилась этапным произведением данного жанра в силу принципиально новой трактовки в нем музыки как важного фактора драматургии. В основе сюжета — эпизод из истории гражданской войны в Узбекистане. Главные герои наделены яркими музыкально-образными характеристиками, спектакль насыщен разнохарактерными сольными, ансамблевыми и хоровыми номерами, конфликтные ситуации пьесы имеют музыкальное решение. Песня-дуэт Алимджана и Зульфии из первого действия рисует сцену накануне свадьбы.

Девушка получает от юноши в подарок к этому событию серьги. Музыка передает их радостное и приподнятое настроение. Дуэт издан в сб.: Отрывки из музыкальных драм. Ташкент, 1958.

Опера «Хамза» (либретто К. Яшена по одноименной драме К. Яшена и А. Умари, поставлена в 1961 году в театре оперы и балета имени А. Навои) — произведение, во многом показательное для узбекского музыкального театра на новом, начиная с середины 50-х годов, этапе его развития. Этот этап характеризуют отказ от соавторства, типичный для предыдущих лет, большая глубина воплощения тем и образов советской действительности, активное, творческое отношение авторов к фольклорному наследию. При ряде недостатков опера Бабаева «Хамза» захватывает остротой ситуаций, напряженным музыкальным развитием. В произведении рассказывается о заговоре против Хамзы врагов Советской власти и о его гибели. Сцена зикра — религиозного радения — во второй картине обрисовывает представителей враждебного Хамзе лагеря. Ее музыкальное развитие (запев ведущего зикр, хор дервишей) все более ускоряется и приобретает все большую остроту звучания, передавая экстатическое состояние впадающих в транс дервишей. Опера не издана. Фрагмент публикуется по рукописи клавира, хранящейся в библиотеке ГАБТ оперы и балета УзССР имени А. Навои.

Икрам Акбаров (р. 1921) — один из наиболее видных узбекских композиторов среднего поколения, автор произведений крупных форм (опера «Леопард из Согдианы», балеты «Мечта», «Лейли и Меджнун», симфонические поэмы «Памяти поэта», «Эпическая поэма», сюита «Почта», симфония «Самаркандские рассказы», оратория «Сказание о Ташкенте», вокально-симфоническая поэма «Хамса», концерт для скрипки с оркестром, три струнных квартета), а также сочинений в жанрах музыкальной драмы, киномузыки, романсов, песен.

Музыкальная драма «Материнское поле» («Момо ер» либретто Т. Тулы по повести Ч. Айтматова, поставлена в 1965 году в театре имени Мукими) — этапное произведение данного жанра в узбекской музыке в силу развитости музыкальной драматургии, равноправия всех ее компонентов — сольных номеров, вокальных ансамблей, хора и оркестра в раскрытии основной идеи произведения. В хрестоматии дается хор из первого действия, звучащий за сценой. Это обращение к матери-земле, оно обрамляет всё произведение. Хор издан в сб.: Акбаров Ик. Отрывки из музыкальной драмы «Момо ер». Ташкент, 1977.

Квартет № 2 для двух скрипок, альта и виолончели Ик. Акбарова входит в его квартетную триаду (1963, 1966, 1975). Именно в жанре струнного квартета — по сравнению с другими жанрами камерно-инструментальной музыки — композиторы Узбекистана работают в послевоенные годы наиболее активно (Д. Сааткулов, Б. Гиенко и другие). Квартет № 2 Ик. Акбарова выделяется ярко индивидуальным тематизмом, композиционной логикой цикла и его частей, симфонизацией жанра. Последнее проявляется не только в развитии тематизма, но и его строении. Такова тема главной партии первой части квартета, постепенно складывающаяся в процессе разнообразного моделирования начального мотива-зерна. Вместе с тем она имеет вполне реальную опору на попевки народных детских песен и массовые песни 20—30-х годов. Публикуется впервые.

Концерт для скрипки с оркестром Ик. Акбарова (1962) свидетельствует о возросшем в послевоенные годы интересе композиторов Узбекистана к этому жанру (из скрипичных концертов выделяются также концерт Г. Мушеля и концерт С. Джалила). Произведение Акбарова обнаруживает почвенную связь композитора с узбекским музыкальным фольклором (без цитирования), умение строить форму, убедительно развивать тематизм. Светлая лирика, драматизм и беззаботное праздничное веселье последовательно выражены в трех частях цикла. Публикуется впервые.

Энмарк Салихов (р. 1934) — композитор среднего поколения, выпускник Ташкентской консерватории (1963), автор ряда симфонических произведений (поэма «Памяти генерала Сабира Рахимова», 1960, удостоена премии Ленинского комсомола Узбекской ССР; одночастная симфония), балета «Пламенная песня», камерно-инструментальных сочинений, киномузыки, произведений для эстрады.

Соната для фортепиано (1961) Салихова — один из первых, предпринятых в 60—70-е годы опытов создания фортепианной сонаты на основе узбекского мелоса (кроме Э. Салихова здесь проявили себя С. Абрамова, Н. Закиров). Произведение интересно сочетанием традиций классической сонаты (в области формы цикла и частей в целом) с особенностями узбекского инструментального наследия. Первая часть строится как двухтемная композиция, близкая к традиционной форме инструментальных частей макомов (начальное, первое построение типа интонационно развиваемого хона; второе — типа неизменного бозгуя). Публикуется впервые.

Феликс Маркович Янов-Яновский (р. 1934) — композитор большой одаренности, художник высокой гражданственности. Окончил Ташкентскую консерваторию по классам скрипки (1957) и композиции (1959). Много и успешно работает в области симфонической и камерной музыки, музыки для театра и кино, других жанров. В числе его произведений Кончерто гроссо для камерного оркестра, концерт для оркестра, концерт для скрипки с оркестром, детская комическая опера «Петрушка-иностранец» (по С. Маршаку), «Элегия» для голоса и камерного ансамбля, вокально-симфоническая поэма «Я слушаю время» (на слова Н. Брауна), оратории «Голос» (на слова Э. Межелайтиса) и «Голос Чили» (на стихи чилийских поэтов).

Концерт для оркестра (1973), в пяти частях (Прелюдия, Интермеццо, Токката, Интермеццо, Бассо остинато), синтезирует в себе черты жанра кончерто гроссо и творчески преломленные элементы узбекской стилистики. Так, первая часть, «Прелюдия», воплощает подмеченную композитором общность формообразующих элементов инструментальных частей макомов (соотношение хона и бозгуя) с принципами рондальности баховских

концертов. Переложение первой части для фортепиано сделано с партитуры, опубликованной в сб.: Симфонические произведения советских композиторов, вып. 7. М., 1980.

Рашид Хамраев (р. 1937) окончил Ташкентскую консерваторию (1961) и аспирантуру при ней (1966), автор двух опер («Свет из мрака», поставлена в 1965 году в театре оперы и балета имени А. Навои, удостоена совместно с первой симфонией Государственной премии Узбекской ССР имени Хамзы; «Перед зарей», поставлена в 1972 году там же), двух симфоний, фортепианного и скрипичного концертов, музыки к спектаклям и других произведений.

Симфония № 1 (1965) — четырехчастный цикл, замысел которого навеян воспоминаниями о трагических судьбах многих первых узбекских актрис, павших жертвами невежества и мракобесия. Отсюда особый драматический характер музыки, во многом связанный с ведущей музыкальной темой произведения — своего рода лейттемой, объединяющей все части симфонии. В хрестоматии приводится экспозиция первой части в переложении для фортепиано, сделанном с партитуры, рукопись которой хранится в библиотеке Музфонда СК УзССР.

Мирсадык Таджиев (р. 1944) — один из одаренных молодых композиторов Узбекистана, привлекающий к себе внимание разноплановостью и серьезностью устремлений. Окончил Ташкентскую консерваторию (1970); тяготеет к симфонической музыке: он автор девяти симфоний, поэмы «Любовь поэта», посвященной Алишеру Навои, и других сочинений. Таджиев — лауреат премии Ленинского комсомола Узбекской ССР (присуждена за третью симфонию) и премии Ленинского комсомола СССР (присуждена за четвертую симфонию).

Симфония № 3 (1972) с успехом исполнялась в Алма-Ате на III Международной трибуне стран Азии (1973). Произведение интересно оригинальной драматургией, сочетающей сонатные принципы и специфически национальные приемы развития, в частности близкие принципам конструирования макомов. Такова первая часть (Adagio — Allegro), построенная на медленном развертывании двух тем — первой, углубленно-сосредоточенной, близкой к образцам традиционного лирического мелоса, и более светлой лирической второй. Фрагмент первой части дан в переложении для фортепиано, сделанном с партитуры, рукопись которой хранится в библиотеке Музфонда СК УзССР.

ИЗОҲЛАР

Музика мероси

Ўзбек халқи узоқ даврлардан бери мавжуд бўлган музика меросига эга. Бу мерос — халқ ижодиёти (фольклор) ва оғзаки анъанадаги профессионал музикадан иборат. Профессионал музика, куй, ритмик ва йирик ҳажмдаги якка ёки ансамбль билан ижро этилувчи етук ашула ва чолғу куйлари ҳамда меросимизнинг классик намунаси бўлган мақомлар (Шарқнинг кўпгина халқларига мансуб бўлган) ни — циклли ашула-чолғу асарларини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда мақомлар, асосан, икки алоҳида маҳаллий туркумдан — Бухоро «Шашмақоми» ва Хоразм мақомларидан иборатдир. Фарғона ва Тошкентда эса Шашмақом йўллари асосида турли маҳаллий вариантлар яратилган. Мақомларнинг тематикаси кенг маънодаги лирика доираси билан чегараланади. Мақомлардаги ашула бўлимларининг тексти, одатда, Шарқ поэзиясининг классиклари — Ҳофиз, Бедил, Жомий, Навоий, Муқимий ва бошқаларнинг шеърлари ҳамда халқ поэзияси намуналаридан ташкил топади. Мақомлар структура жиҳатидан тармоқланган ва мукаммал бўлгани учун уларнинг характерли хусусиятлари ва тузилишини ушбу хрестоматияда алоҳида кўрсатиб беришни зарур деб ҳисобладик.

Бухоро Шашмақоми (олти мақом) ўзбек ва тожик халқларининг музика мероси бўлиб, Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқдан иборат. Ҳар бир мақом икки бўлимдан — Мушкилот деб номланувчи чолғу ва Наср номи билан юритиладиган ашула бўлимларидан иборатдир.

Чолғу бўлими (мушкилот— Тасниф, Тарже, Гардун, Мухаммас, Сақил деб номланувчи қисм ёки пьесалардан иборат бўлиб, улар бир-биридан, асосан, мустақил лад-интонацион, метро-ритмик, шакл тузилиши жиҳатдан ва айниқса, ўзига хос характерли доира, ноғора усули ва қўлланилган бошқа чолғу асбоблар билан фарқ қилади. Мақомлардаги чолғу бўлимининг ҳар бир қисми учун характерли хусусият шуки, улар хона ва бозгўйга эга.

Хона — куйнинг асосий интонацион-тематик қисми бўлиб, одатда, бутун куй асосини ташкил этади; навбатдаги хоналар эса унинг ривожидан иборатдир.

Бозгўй — куйнинг такрорланадиган қисми бўлиб, хонадан (баъзан бир неча хоналардан) кейин келади, рефренни ифодалайди.

Бизнинг хрестоматиямизда Мушкилот — чолғу бўлимидан икки қисми: Тасниф ва Мухаммас (Тасниф Бузрук ва Мухаммаси Бузрук) берилган (сўнггиси қисқартирилган ҳолда).

Ашула ва чолғу бўлимларининг ҳар бир пьесаси, асосан, зарбли (доира ва ноғора) чолғу асбоблари усулида ижро этилади. Усул куйнинг метроритмик хусусиятлари асосида тузилган бўлиб, унинг формуласи алоҳида чизиқчага ёзилади. Ноталарда бир чизиқчанинг юқори ёки пастда жойланиши доира зарби («бак» ва «бум») ни ўрта ёки четдан чалинишини кўрсатади, бу эса тембрни ранг-баранг қилади. Усулнинг узун-қисқалилиги (бир тактдан ўн олти тактгача бўлиши) эса асарнинг мураккаблигини ифодалайди.

Чолғу бўлими каби ашула бўлими — Наср — ҳам икки туркумдаги шўъбалардан иборат. Биринчи туркум — Сарахбор (бош мавзу), Талқин (насиҳат маъносида), Наср (кўмак, зафар) деб номланувчи шўъбалар ва уларнинг Тароналари (кичик шаклдаги куй, рубоийлар билан айтилган ашула) ҳамда охирги Уфар қисмидан иборат бўлиб, кейин Супориш қисми билан тугалланади. Супориш сўнгги Таронани навбатдаги шўъбага олиб ўтади. Ҳар бир шўъбаларнинг муҳим омилларидан бири — усулдир.

Мақомнинг ашула бўлими — Сарахбор шўъбасидан бошланади. У ҳар бир мақомда мавжуд. Талқин фақат Ироқ мақомида йўқ, Наср шўъбалари эса Шашмақомда ўн тўрттадир, ҳар бир мақомда икки-учта Насрлар бор. Уфарлар эса маълум (Наср) шўъбаларнинг характерли вариантидир.

Мақом шўъбалари тузилишида намудлар (намоён бўлиш, кўриниш маъносида) алоҳида аҳамиятга эгадир. Намуд маълум бир шўъба бошланғич тузилмасининг бошқа шўъбалар авжида фойдаланилишидир. Намудлар мақом йўлларида якка авж ёки группа тартибида ишлатилади. Шашмақомда ўнга яқин намуд ва авжлар учрайди (Уззол, Мухайяри Чоргоҳ, Ушшоқ, Насруллои, Наво, Баёт, Ораз, Дугоҳ намудлари, Турк ва Зебо пари авжларидир).

Мақом шўъбаларининг тузилиши, асосан, беш қисмдан иборат. Ҳар бир шўъбалар чолғу муқаддимаси билан бошланади. Кейин даромад (пастки регистрдаги бошланғич қисми), миёнхат (даромад қисмининг варианти бўлиб, кварта ёки квинта интерваллари юқорига кўтарилган ҳолда мелодик жиҳатдан маълум даражада ривожланган бўлиб, ҳамиша бошланғич товушга қайтади), дунаср (даромаднинг мелодик тузилмасининг бир октава баландга кўтарилган ва бирмунча ривож-

лантирилган вариантидир), а в ж (кульминацион бўлими), якунланувчи (қисқартирилган реприза, даромад ёки миёнхатнинг варианти) дир.

Иккинчи туркум шўъбалар эса **Савт-Мўғулча** шаклида тузилган бўлиб, ҳар бири, асосан, беш қисмли шохобчалардан иборатдир (Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфор). Улар биринчи туркум шўъбалардан ажралиб туради ва мустақил туркум тарзида ижро этилади.

Мақомларнинг ашула бўлими чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилди. Мақом ижросида, асосан, танбур ва дойра етакчи созлардан ҳисобланади. Мақомлар ижроси хонанда ва созандалардан юксак профессионал маҳорат талаб этиб, мақомат ижрочилигидаги анъанавий услубларни чуқур ўзлаштиришга ундайди — ижро этувчининг овози баланд ва нафаси узун, чуқур бўлиши керак, бу эса ўз навбатида, юқори регистрдаги оҳангларни (Ханг ларни) узоқ ва текис ижро этишга ёрдам беради. Мақомларнинг ашула бўлимлари чолғу асбоблари билан унисон ёки октава куйида жўр бўлади.

Хрестоматияда Бузрук мақомининг ашула — Наср бўлимидан тўртта қисми берилган (биринчиси тўла, учтаси — қисқартирилган ҳолда). Бу Сарахбори Бузрук Лутфий ғазали билан (XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи ярми), Талқини Уззол, Насри Уззол иккови ўзбек адабиётининг буюк классиги Алишер Навоий ғазали билан (XV асрнинг биринчи ярми), Уфари Уззол ўзбек шоираси Нодира ғазали билан (XIX асрнинг биринчи ярми). («Уззол» сўзи — пастга тушиш, сакраш маъносида бўлиб, куй ва ҳаракатида пастга — кварта интервалига сакрайдиган мелодик-интонацион қурилмаларига эга).

Мақомларнинг ашула бўлими ва халқ лирик ашулаларнинг яна бир хусусияти қўшимча сўз ва ундалмаларни (о, ё, ёро, ёромай, адоманей ва бошқалар) чўзиб (ханг асосида) айтиш услубидадир. Бу рефрен қўшимчалар сўзни бўлмай, шеър мисрасининг бош ёки охирги қисмига киритилади.

Мақомларнинг нота ёзувида рақамлар берилган (ритмча рақам ғазал байтини, арабча рақам эса мисраларнинг бирма-бир келишини кўрсатади).

Шашмақомнинг чолғу вариантлари биринчи марта дастлаб В. А. Успенский томонидан ҳозирги нота ёзувида Бухорода 1923 йил машҳур мақомчи ҳофизлар — Ота Жалол Носиров ва Ота Ғиёс Абдуғанилардан ёзиб олинган ва нашр этилган (Олтита музикали поэмалар, Бухоро, 1924). Шашмақом (тузувчилар Ф. Шахобов, Б. Файзуллаев ва Ш. Соҳибовлар) В. Беляев таҳрири остида «Музика» нашриёти томонидан чоп этилди (М., 1951—1967).

Бухоро Шашмақомини ёзиб олиш ва нашр этишда академик Юнус Ражабийнинг (1896—1976) хизмати каттадир. Ю. Ражабий ва айрим мақомчилар ижросида ёзиб олинган олти мақом цикли икки марта «Ўзбек халқ музикаси» V томида (Тошкент, 1959) И. Акбаров таҳрири остида ва олти томлик «Шашмақом» (Тошкент, 1966—1975). Ф. Кароматов таҳрири остида нашр этилди. Айрим ўзгариш ва аниқлашлар Ю. Ражабийнинг «Музика меросимизга бир назар» китобида (Тошкент, 1978) берилган. Бузрук мақомидан келтирилган намуналар «Шашмақом» нашрининг I томидан олинган, сўзлари «Ўзбек халқ музикаси»нинг V томида берилган сўзлар билан солиштирилган.

Ўзбек халқининг қўшиқчилик мероси, бошқа халқлар каби кўп қиррали ҳаётининг маълум бир бўлагидир. У халқ тарихи, дунёқараши, ҳис-туйғулари, орзу-тилакларининг ҳаққоний ва чуқур ифодаси ҳамдир. Музика санъати халқ орасида рангбаранг кўринишларда, турли шаклларда ривожланади ва куйланади. Ўзбек музикасида ҳам турли мавзуларда хилма-хил жанрлар шаклланганлигини кўрамиз. Ўзбек қўшиқ, ашулалари ва чолғу куйлари ўзи бажарадиган функцияси ва турмушда тутган ўрнига кўра, икки группани ташкил этади. Биринчи группага маълум вақт ёки маълум шароитдагина ижро этиладиган, яъни оилавий-маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари, аллалар ҳамда ҳар хил маросимларда ижро этиладиган чолғу куйлари киради. Иккинчи группага ҳамма жойда, исталган вақтда ва ҳар қандай шароитда ижро этиладиган қўшиқ ва чолғу куйлари, анъанавий қўшиқ жанрлари — терма (ёки чўблама), қўшиқ, лапар, ялла ашула ва катта ашула, ҳамда уларга ўхшаш чолғу пьесалар киради.

Хрестоматияда анъанавий халқ қўшиқ жанрлари «Ўзбек музикаси тарихи» китобига қараганда бошқача тартибда берилган. Яъни, катта ашула жанри оғзаки анъанадаги профессионал музика таркибига киради, шунинг учун унинг характеристикаси Шашмақомдан кейин берилган. Севги лирикаси юмор ва сатира, халқ тарихи ва ижтимоий норозилик иккинчи группага кирувчи ҳар бир жанрнинг темасидир. Лекин улар музикавий-стилистик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Катта ашула — оғзаки анъанадаги профессионал музиканинг йирик шаклдаги ашула жанридир. Патнис ёки тарелкани резонатор каби ишлатилгани учун уни халқ орасида «патнусаки ашула» деб ҳам айтишади. Катта ашула, асосан, икки, баъзан уч-тўрт ашулачи (ҳофиз) томонидан созлар жўрисиз ижро этилади. Одатда, ҳофизлар шеър мисраларининг ҳар бирини галма-гал, сўнгги мисрани эса қўшилиб ижро этадилар. Катта ашула куйлари декламацион характерда бўлиб, импровизация (бадиҳа) элементлари билан бойитилган. Кўпинча, катта ашула эркин усулда айтилади. Катта ашулада ўзбек классик шоирларининг ишқий-лирик ғазаллари кенг қўлланилган. Катта ашула жанри, асосан, Фарғона водийси ва Тошкент областида кенг тарқалган. Масалан, Катта ашула «Бир келсин» Ўзбек шоири Мискин шеъри билан ижро этилади. 1940—1941 йиллари В. Успенский томонидан Ю. Ражабий ва А. Ҳайдаровдан ёзиб олинган, нашр этилган (Вызго Т. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. М., 1970).

А ш у л а — лирик характердаги жанр бўлиб, мелодик-интонацион ривожи, метро-ритмик, шакли ва ҳажми мураккабдир. Ашулада қўшиқларга нисбатан ритмик шакл эркин, куй ривожланиши ва диапазони кенгдир. Ашулалар лирик ғазал ёки халқ сўзларидан ташкил топади. Фалсафий маъноли фикрга эга бўлган, шунингдек, алам ва ҳасратни ифодаловчи мазмун кўпроқ ашула тематикаси учун хосдир. Ашула турли усулда яратилади. Асосан, ашула чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилиб, ўзига хос хусусиятлари ва шаклининг мураккаблиги билан оғзаки профессионал ва хусусий

фольклор намуналарига яқиндир. Ўзбекистонда машҳур ва кенг тарқалган ашулалардан бири халқ сўзи билан айтиладиган «Тановар»дир. Халқ орасида «Тановар»нинг бир неча вариантлари мавжуд. 1930 йилларда Ю. Ражабий ёзиб олган ва нашр эттирган (Ўзбек халқ қўшиқлари, I китоб. Тузувчи Е. Романовская. Тошкент, 1939).

Ялла — лирик ва ҳажвий мазмундаги қўшиқлар жанри бўлиб, асосан, рақс билан ҳамоҳанг ижро этилади. Ялла унисон хор билан яккахон ашулачи — яллачи томонидан навбатма-навбат айтилади. Халқ сўзи ва классик шоирларнинг шеърлари ялла текстларини ташкил этади ва дутор жўрлигида айтилади. Ялла икки хил бўлади: биринчисининг куйи нисбатан тор диапазонли бўлиб, шеърдаги ҳар бир банд нақорат билан бошланиб нақорат билан тугалланади (қўшиқ жанрига ўхшаш); иккинчиси эса кенг диапазонли куй ривожланганлиги билан ажралиб туради (ашула жанрига яқин). «Яллавон», халқ сўзи, ялла жанрининг биринчи намунасига киради (яккахон яллачи билан хор ижро этади). Бу ялла Е. Романовская томонидан 1931 йили Андижонда Лутфихон Саримсоқовадан ёзиб олинган ва нашр эттирилган (Е. Романовская. Статьи и доклады. Запись музыкального фольклора. Ташкент, 1957).

Қўшиқ ва лапар жанрлари бир-бирига яқиндир: нисбатан кичик диапазонли куйдан иборат, куйлари учун ритмнинг равонлиги ва аниқлиги характерлидир. Қўшиқда ҳар бир мисрадан сўнг нақорат сўзи ва шунингдек, ҳар бир шеър бандидан (ёки унинг ярмидан) кейин келадиган нақоратларни учратиш мумкин. Лапар рақсбоп куйга эга бўлиб, кўпинча ўйин ва рақс билан ижро этилади (созлар жўрлигида). Лапарни диалог шаклида икки қўшиқчи — йигитлар ва қизлар, халқ ишқий — лирик мазмунида ижро этадилар. Хрестоматияга лапар жанридан «Ёр нималар дев-дим сизга» киритилган, халқ сўзи. 30-йиллари Ю. Ражабий нотага ёзиб олган ва нашр эттирган: Ўзбек халқ қўшиқлари, I китоб. Тошкент, 1939. Қўшиқ жанридан эса «Садқаси», халқ сўзи, доира билан ижро этилади. 1959 йили Ф. Кароматов Ш. Абдураҳимовдан (Самарқанд области) ёзиб олган ва нашр эттирган (Ф. Кароматов. Узбек халқининг музика мероси, XX аср. Қўшиқ, I китоб, Тошкент, 1978).

Хрестоматияга терма жанрининг намуналари киритилади. Бу қўшиқлар речитативлиги, тор диапазони ва ихчам шакли билан характерланади ҳамда, асосан, достон айтувчи бахшилар томонидан ижро этиб келинган.

Биринчи группа ашула — қўшиқ жанрларининг мавзуи ўзларига хос маълум маросим ёки бошқа вазият билан боғлиқ бўлиб ажралиб туради. Хрестоматияга шу группага оид тўй-маросим қўшиғи «Ёр-ёр» ва болалар қўшиғи «Бойчечак» берилган.

«Ёр-ёр»— тўй-маросим қўшиғи, халқ сўзи, келинни куёвникига олиб бораётган вақтда аёллар томонидан ижро этилади. «Ёр-ёр»ларнинг маҳаллий вариантлари кенг тарқалган. Ушбу намуна куплет шаклли, тор диапазонли куйи ва оддий интонацион-ритмик ҳолати билан ажралиб туради.

«Ёр-ёр»нинг фарғонача варианти хрестоматияга киритилган. Ҳалима Носирова ижросида А. Четвертаков нотага ёзиб олган. Қўшиқ нашр қилинган («Ўзбек халқ қўшиқлари», I китоб. Тошкент, 1939).

Болалар қўшиғи «Бойчечак», халқ сўзи, ихчам шаклли, куйнинг маълум даражада речитативлиги, айрим нидолаш, садо чиқариш усуллари билан (нота ёзувида глиссандо деб берилган) ажралиб туради. Қўшиқ 1931 йили Марғилонда З. Ўлмасова ижросида Е. Романовская томонидан ёзиб олинган ва нашр эттирилган (Е. Р. Романовская. Статьи и доклады. Запись музыкального фольклора. Ташкент, 1957).

Халқ музикаси асбоблари хилма-хилдир ва бир неча группаларни ташкил этади — бу торли, пуфлама ва урма чолғулар. Кўпгина ўзбек чолғу асбоблари тожик ҳамда Шарқ халқлари музикаси асбоблари билан бир хил ёки ўхшаш бўлади.

Торли группа айниқса бойдир. Тирнама (танбур, дўмбира, дутор, афғон рубоби, қашқар рубоби), торли урма (чанг), камонли (қўбиз, ғижжак, сато) каби созлар торли асбоблар группасига киради. Хрестоматияга торли асбоблар (танбур, дутор ва ғижжак учун)да ижро этиладиган учта чолғу куйи киритилган.

Танбур — уч симли торли асбоб бўлиб, янгроқ овози билан ажралиб туради. У бутун тут дарахтидан ясалган ноксимон ўйма косахона, узун дастадан иборат. Унинг дастасига 16—19 парда боғланган. Ҳажми уч октава оралигидаги диатоник товушқаторни ҳосил қилади. Симлари ингичка ва узун. Биринчиси — асосий, оҳангдор, ёқимли; иккинчиси ва учинчиси — ёрдамчи (бурдон). Биринчи ва учинчи симлари унисонга созланади, иккинчиси — кварта, квинта ва секундага созланиб, бунда кварта сози кўпроқ ишлатилади. Танбурни ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийиладиган нохун билан чертадилар. Танбурни яккасоз ёки ансамбль составида қўллаш мумкин. Танбур, асосан, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент профессионал созандалари орасида кенг тарқалган. Мақом ижросида танбур етакчи созлардан ҳисобланади; унда чолғу куйлари, қўшиқлар ва рақс куйларини ижро этиш мумкин.

«Роқ»— танбур учун циклли асар бўлиб, у асосий қисмдан, иккита «Тарона» ва «Уфар»дан иборат. «Роқ» бошқа танбур асарларига ўхшаш ранг-баранг ижрочилик техникаси билан ва музика безаклари (қочирим, нола, хониш) билан бойдир. Хрестоматияга асарнинг асосий қисми киритилган (фрагмент). Куй 50-йилларда ўзбек радиоси томонидан созанда М. Юсуповдан ёзиб олинган, Ф. Кароматов нотага олган ва нашр эттирган (Ф. Кароматов. Узбекская инструментальная музыка (наследие). Ташкент, 1972).

Дутор — иккита торли чертма чолғу асбоби, майин ва ёқимли товушга эга. У каттагина ноксимон косахона ҳамда 13—14 парда боғланган узун ва ингичка дастадан иборат. Торлари ипакдан, кварта, квинта баъзан унисон ва квинтага созланади. Товушқатори пастки регистрда — хроматик, юқорида эса — диатоник. Ҳажми бир ярим октавадан кўпроқ. Дуторда асосий ижро усули тирнамадир (дўмбирада бўлганидек). Дутор асарлари қўш овозли фактура билан характерлидир ва бу жиҳатдан ишлатиладиган штрихларга бойдир. Дутор ўзбек халқининг энг севимли ва кенг тарқалган

чолғу асбобидир. Аввало, дутор якканавоз создир. Бу эса созандадан катта маҳорат билан ижро техникасини талаб этади. Дутор ансамбларда ва оркестрда ҳам қўлланилади. Унда хилма-хил қўшиқ — ашула жанрларини, рақс куйи ва чолғу асарларини ижро этиш мумкин.

Хрестоматияда дутор учун «Қ ў ш т о р» циклли асарнинг тўртинчи қисми берилган. Бу фақат асарнинг номи эмас, балки торларни унисон сози кўрсатадиган термин ҳам. Асарнинг ижрочилик хусусиятларидан бири шуки, дутор куйи ҳамма вақт қопқоққа уриш усули билан ижро этилади (усул алоҳида чизиққа ёзилган). Бу куйни ижро этаётганда созанда асбобни жуда моҳирлик билан чала билиши керак. Асар 1951 йили Марғилонда К. Олимбоева ва М. Аҳмедов томонидан маглентага К. Мадраҳимовдан ёзиб олинган, А. Козловский нотага олган. Асар нашр этилган, (Ўзбек халқ чолғу музикаси. Тўпловчилар К. Олимбоева ва Ф. Қароматов, Тошкент, 1955).

Ғ и ж ж а к — уч-тўрт торли камонли чолғу асбоби бўлиб, товуш скрипка товушига ўхшаш, лекин бирмунча пастроқ. У думалоқ корпусдан иборат, косасининг очиқ жойи чарм мембрана билан қопланган. Кейинги йилларда тўрт торли кварта-квинта созли ғижжак (ипак тори ўрнига темир торли)лар кенг тарқалган. Диапазони уч октавага яқин. Ғижжак камони калта бўлиб, салгина эгилган ёки тўғри от қили уланган сопдир. Халқ созандалари ғижжакни тиззага қўйиб чаладилар. Ҳозирги пайтда камонча ўрнида смичок (скрипка камони) қўлланилади. Ўзбекистонда ғижжак кенг тарқалган ва яккасоз, жўрли, ансамбль асбоби сифатида ишлатилади.

«Ё л ғ и з»— доира жўрлигида ижро этиладиган ғижжак пьесаси бўлиб, унга ушбу асбобнинг хусусиятлари (кенг оҳангдорлиги ва бой мелизматик безаклари)ни очиб беради. Пьеса лирик оҳангда ёзилган. Куй 50-йиллари Ўзбекистон радиоси томонидан Қ. Жабборов ижросида ёзилган. Нотага олувчи Ф. Қароматов, нашр этилган (Қароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие). Ташкент. 1972).

Ўзбек халқ чолғу асбобларининг пуфлаб чалинадиган тури ҳам ғоят кенг тарқалган. Улар қамиш, қуш суяги ҳамда ёғочдан ясалади. Булар орасида қадимги ва энг соддаси чўпонча асбоблардан ғажир най ва сибизик (най турлари)дир. Кейингилари най, қўшнай, буламан, сурнай (сурнайда ҳам най, қўшнай ва буламанга ўхшаш катта ижрочилик маҳорат талаб этади) ва карнайдир (пуфлама чолғу асбоби).

Хрестоматияда пуфлама чолғу асбоб (ғажир най ва сурнай)лар учун иккита асар киритилган.

С у р н а й — пуфлаб чалинадиган чолғу асбоби. Тут ёки ўрик ёғочидан ўйиб ясалади; юқори томони ингичка бўлиб, унда юпқа қамиш тил ўрнатилади, паст томони кенгайган раструбни (воронка шаклидаги оғзи) ташкил қилади. Узунлиги 450—550 мм. Сурнайнинг юз томонида беш-еттита ва орқасида битта (бармоқ билан бекитиб очиладиган) товуш тешикчалари бор. Диатоник товушқаторли бўлиб, диапазон бир ярим октавадан иборат. Овози кучли ва жарангдор. Сурнай, карнай, ноғора ва доира билан оммавийлашган махсус ансамблни ташкил қилиб, миллий анъанавий томошалар (дорбоз, қўғирчоқбоз)да, тўй ҳамда турли маросим ва йиғинларда кенг қўлланилади. Якканавоз чолғу сифатида ҳам ишлатилади.

«Ш о д и ё н а»— ноғора жўрлигида сурнайда ижро этиладиган куйнинг номи бўлиб, тўққизта турли характердаги қисмлардан иборат. Ҳар бири тантанали юриш, ўйин ва рақслар билан тўла халқ байрамининг эпизодларини ва руҳини кўрсатиб беради. «Шодиёна» куйлари кичикроқ шаклда бўлса-да, куй тузилиши ва доира усуллари жуда ҳам мураккаб. Рақс куйлари сифатида кенг тарқалган. Асарлар 1940 йиллари Ил. Акбаров томонидан А. Умурзоқов (сурнай) ва О. Комилов (ноғора)дан ёзиб олинган. Ф. Қароматов нотага ёзиб олган ва нашр этилган (Ўзбек халқ чолғу музикаси. Тўпловчилар К. Олимбоева ва Ф. Қароматов. Тошкент, 1955; Қароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие). Ташкент, 1972).

Ғ а ж и р н а й (чўпон най)— ғажир қанотининг суягидан ясалган ҳуштак қурилмасиз, очиқ бўйламасига ушлаб чалинадиган най. Узунлиги 300 мм бўлиб, юз томонида тўртта тешиклари бўлади. Диатоник товуш қатордан иборат, диапазони секста кенглигида. Ғажир най чўпонлар чолғу асбобидир. Лирик характердаги импровизация куйлари чалинади.

«Ч ў п о н ч а»— ғажир най учун куй бўлиб, диапазони секстадан иборат. Куй асосий оҳангининг варианти ривожланишига асосланган. 1955 йили с у р х о н д а р ё л и к Б. Б ў р о н о в ижросида Ф. Қароматов томонидан маглента ва нотага ёзиб олинган. Асар нашр этилган. (Қароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие). Ташкент, 1972).

Урма асбоблар Совет ва чет эл Шарқи халқлари музикаси амалиётида муҳим ўрин тутади. Улар Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Урма чолғу асбоблар: доира, ноғора (дўл, рез, табл ва қўш ноғоралар), садоланувчи чолғулар ҳисобланувчи: сафоил, қошиқ ва қайроқлар эса бирмунча камроқ ишлатилади. Урма чолғуларда фольклор ва оғзаки анъанадаги профессионал музика жанр ва турларининг усуллари ижро этилади. Ўзбек анъанавий рақс санъатининг жанри — катта ўйин ранг-баранг усулларга асосланган.

КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929) — етук ўзбек революционери, талантли ўзбек шоири, драматург, актёр ва бастакор-созанда, ўзбек совет театрининг ташкилотчиси, биринчи бўлиб ўзбек тилида революцион қўшиқлар яратган ижодкордир. У XIX асрда яшаб ижод этган демократ-шоирлар Муқимий ва Фурқат традицияларининг давомчисидир. Ҳамза Октябрь революциясини қувонч билан кутиб олди ва ўз ижодида уни олқишлади. «Яша Шўро», «Ҳой ишчилар», «Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон» каби шеърлари шулар жумласидандир. Ҳамза қўшиқларидаги новаторлик фақат унинг мазмунида эмас, балки музикавий таъсирчанлигидадир. Ҳамза ўз қўшиқларида озод меҳнатни куйлайди. Уларда рус революцион оммабоп қўшиқларининг таъсири яққол кўринади. Ҳамзанинг бундай қўшиқлар ёзиши бой ва руҳонийларни ғазаблантирди. Улар Ҳамзани Фарғонадан узоқ бўл-

маган тоғли Шоҳимардонда тошбўрон қилиб ўлдирдилар.

Хрестоматияга Ҳамзанинг 1917 йилда яратган «Яша Шўро» қўшиғи киритилган. 40-йилларда М. Қори-Ёқубов ижросида Е. Романовская томонидан нотага ёзиб олинган (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Қўшиқлар. Тошкент, 1949, иккинчи нашри — 1959).

«Яша Шўро» қўшиғи Ўзбекистон композиторлари ижодида, хусусан, И. Акбаровнинг «Шоир хотираси» симфоник поэмасида, С. Бобоевнинг «Ҳамза» операсида ва бошқа асарларда қўлланилган.

Виктор Александрович Успенский (1879—1949) — Петербург консерваториясининг талабаси. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Ўзбекистонда яшаб, ижод қилган. Успенский ташаббуси билан 1919 йилда Тошкентда Маориф Халқ Комиссариати ҳузурида музика этнографик комиссияси ташкил этилди. Бу комиссия ўз ишини ўзбек халқ асбоблари ва Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг қўшиқларини йиғиш билан бошлади. 20—30-йилларда Успенский Хоразм, Бухоро, Фарғона, Туркманистонда бўлган экспедицияларга раҳбарлик қилди ва кўпгина музика материалларини йиғишга муваффақ бўлди. У Бухоро «Шашмақомини» биринчи бўлиб нотага ёзиб олди. Успенский томонидан 30—40-йилларда «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси, «Ўрта Осиё халқларининг тўртта куйи», «Муқанна» каби сюиталар, «Туркманистон капричиоси», «А. Навоий хотирасига бағишланган лирик поэма», «Ўзбекча поэма-рапсодия», олтита фортепиано учун пьесалар тўпламини, қайта ишланган халқ куй ва қўшиқларини яратди.

20-йиллар охири, 30-йиллар бошида композитор ўзбек қўшиқларини фортепиано ва овоз учун қайта ишлаб чиқди. Шулардан бири «Чаманда гул» ўзбекча рақс қўшиғи, икки аёл овозида ижро этилиб, альт, виолончель ва фортепиано учун қайта ишланган. Халқ сўзи, В. Беляев таржимаси, куйини В. Успенский ёзиб олган. Асар 30-йилларнинг бошида яратилиб, олдинги асарларга нисбатан гармоник воситаларининг хилма-хиллиги билан характерланади. Нашр этилган (М., 1934).

В. Успенский ва Г. Мушелнинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси 1920 йил бошларида яратилди. Бу асар А. Навоийнинг шу номли поэмасига асосланган бўлиб, мақом ва бошқа халқ оғзаки музикасидан парчалар киритилгани билан аввал яратилган асарлардан устун туради. 30-йилларда Успенский спектакль партитураси устида ишлайди, кўпгина куйларни оркестрга мослаб ёзиб борди, лекин ўз ишидан қаноатланмади ва Г. Мушель билан ҳамкорликда ишни давом эттирди. Музикали драманинг иккинчи таҳрири кўпгина зарур бўлган имкониятларни (моментларни) ўз ичига олган эди (асарга дуэт ва икки овозли хорлар киритилди, оркестрнинг роли кучайтирилди, музика ҳаракатининг оралиқ ривожи пайдо бўлди). Бу драма 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек маданияти декадасида томошабинларга кўрсатилди. Кейинчалик бу драма Қ. Яшин (либретто) ва Г. Мушель томонидан қайта ишланиб ва опера сифатида 1957 йилда А. Навоий номли опера ва балет театрида қўйилди.

Совет шоири ва драматурги Хуршид томонидан яратилган драма А. Навоийнинг поэмаси асосида бўлиб, жасур Фарҳод ва гўзал Ширин ўртасидаги севги ҳақида ҳикоя қилади. Бош қаҳрамонлар золим шоҳ Хисрав ва жодугар кампир Ясуман томонидан ҳалок бўладилар, бироқ ўлаётганда ҳам улар ўз садоқатига содиқ қоладилар.

Хрестоматияда музикали драманинг тўртинчи кўринишидаги Ширин арияси берилган. Бу ария «Найларам» деб аталиб, халқ ашуласи куйига асосланган. Чуқур ва тўла туйғуни ўз ичига олган бу ария Фарҳод ва Ширин муҳаббатининг мавзуи бўлиб, асарда бир неча марта такрорланади. Ария тўпламда нашр этилган (Фарҳод ва Ширин. Музикали драмадан парчалар. Тошкент, 1937).

Тўхтасин Жалилов (1896—1966) — таниқли хонанда, ўзбек халқининг музика меросини яхши ўрганган бастакорлардан биридир. У бошқа композиторлар билан ҳамкорликда «Тоҳир ва Зуҳра» операсини яратди, барчага манзур бўлган қўшиқлар басталади. Булар орасида 20-йилларда яратилган қўшиқлардан бири «Сигнал»дир. Даставвал у инструментал (чолғу) куйи сифатида тарқалган. Асар нашр этилган (Акбаров Ик. Т. Жалилов. М., 1974).

Т. Жалилов яратган музикали драмалар ичида Улуғ Ватан уруши даврида яратган «Нурхон» (Қ. Яшин либреттоси) драмаси ажралиб туради. Бу асар бир неча бор қайта ишланган. 1952 йилда Тошкентдаги Муқимий номли музикали драма ва комедия театрида «Нурхоннинг» Г. Собитов билан биргаликда қайта ишланган сўнгги варианти қўйилди. Драма асосига ўзбек театрининг шаклланиши тарихидан олинган воқеа — ёш актриса Нурхон Йўлдошхўжаеванинг ҳурофотдан қўрқмай саҳнага чиқиши асос қилиб олинган. Хрестоматияга музикали драманинг учинчи кўринишидан Нурхоннинг «Бахту иқбол» қўшиғи киритилган. Бу қўшиқда асосий қаҳрамоннинг яхши ҳаёт ҳақидаги фикрлари ифодаланади. Бу қўшиқ «Музикали драмалардан парчалар» тўпламида нашр этилган. (Тошкент, 1958).

Мухтор Ашрафий (1912—1975) — композитор, дирижёр, педагог, таниқли музика арбобидир. Тўртта йирик опера («Бўрон» ва «Улуғ канал» С. Василенко билам ҳамкорликда, «Дилором» ва «Шоир қалби»), учта балет («Севги тумори», «Темур-Малик» ва «Севги ва қилич»), иккита симфония ва кўпгина бошқа асарлар унинг ижодига мансубдир.

«Бўрон» операси (Қ. Яшин либреттоси) — биринчи ўзбек операсидир. Унинг премьераси 1939 йил 11 июнда Тошкентда бўлиб ўтди. 1979 йилда эса А. Навоий номли опера ва балет театрида янги постановкаси қўйилди. Асар мазмуни ўзбек халқининг чоризмга қарши курашига асосланган бўлиб, 1916 йилда қишлоқларнинг бирида чор армиясига қарши бўлиб ўтган қўзғолонни ифодалайди. Қўзғолонга Бўрон бошчилик қилиб, ғалабага эришилади, деҳқонлар босқинчилар қўлидан озод қилинади.

«Бўрон» — беш актли катта опера бўлиб, хаёлан ўйлаб чиқарилган халқ драмасидир. Унда оммавий

чиқишлар ва хорнинг роли каттадир. Хрестоматияга биринчи кўринишдан Бўрон арияси ва тўртинчи кўринишдан қўзғолончилар хори берилган. Бўрон арияси маҳаллий бой ва подшоҳларнияг камбағал деҳқонларни эзиши ва хўрлаши ҳақидадир. Қўзғолончилар хори эса эзилган деҳқонларнинг душманга қарши отланиши, қўзғолон бошлашга, курашга отланиши ҳақидадир.

«Бўрон» операси ўзбек музикали театри тарихида ўчмас из қолдирди. Чунки бу операда музика катта роль ўйнаган. Опера нашр этилмаган. Хрестоматияда операдан баъзи парчалар қўл ёзма асосида берилди. Бу қўл ёзма М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг кутубхонасида сақланади.

М. Ашрафий — циклли симфониялар автори ҳамдир. Унинг иккита симфонияси 1942 ва 1944 йилларда, Ўзбекистонда бу жанр эндигина ривожланаётган бир даврда яратилган бўлиб, Г. Мушель, М. Штейнберг ва бошқа композиторларнинг олқишига сазовор бўлди. Ашрафийнинг биринчи симфонияси «Қаҳрамонлик» деб аталиб, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига бағишланади. Бу симфония уч қисмли циклдан иборат. Биринчи қисмдаги қаҳрамонлик образи лирикага ўрин беради. Ундаги тиниқлик, теманинг рельефлиги, халқ қўшиқларининг ўринли ишлатилиши («Қайтарма» қўшиғининг куйи асосида) тингловчини ўзига жалб қилади. Хрестоматияга соната аллегросининг экспозицияси берилган. М. Ашрафийнинг Биринчи симфонияси 1943 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Симфониянинг партитураси нашр қилинган (М., Тошкент, 1948).

М. Ашрафий балет жанрида ҳам кўп ишлаган. Унинг «Севги ва қилич» балети (М. Ашрафий ва Г. Геловани либреттоси) 1974 йили А. Навоий номли опера ва балет театрида саҳнага қўйилди. Хрестоматияга «Тинч Хўжанд боғида» деб аталувчи иккинчи кўринишдаги Темур-Малик ва Зарина адажио — дуэти келтирилган. Уч актли бу катта балет Ўзбекистонда биринчи бор реал тарихий шахслар, қаҳрамонлик мавзусини акс эттиришда илк тажриба бўлди. Бу балетнинг сюжети ўз халқининг Чингизхон ўрдасига қарши курашига раҳбарлик қилган Хўжанд ҳокими, мардонавор лашкарбоши Темур-Маликка (XIII аср боши) бағишланиб, Темур-Малик билан севгилиси Зарина ўртасидаги муҳаббат лирикаси билан чамбарчас боғлаб кўрсатилган. Ашрафий балетлари, бу жанрда 60—70- йилларда Ўзбекистонда ижод этаётган композиторлар И. Акбаров, Г. Мушель ижоди каби балет соҳасида қилинган улкан ишларни ифодалайди. 30- йиллар охири 40- йиллар бошида яратилган сюжет принципига асосланган спектакллардан замонавий балетлар ёрқин ифодаланган музика материалининг симфониялаштирилиши, музикали драматургияга асосланган катта масштабли саҳна асарларига айланди. Балет нашр қилинган. Хрестоматияга А. Навоий номли опера ва балет театри кутубхонасида сақланувчи қўл ёзма партитурасидан фортепиано учун қайта олинган фрагмент киритилган.

Толибжон Содиқов (1907—1957) — музикали театр соҳасида иш олиб борган, катта мелодик маҳоратга эга бўлган, таниқли композитордир. Р. Глиэр билан ҳамкорликда у «Лайли ва Мажнун» ва «Гулсара» операларини, Б. И. Зейдман билан биргаликда «Зайнаб ва Омон» операси устида иш олиб борди. Бу операни Ю. Ражабий ва Д. Зокиров композитор вафотидан сўнг давом эттирдилар ва якунладилар.

«Лайли ва Мажнун» операси А. Навоий поэмаси асосида Хуршид ёзган либреттоси билан яратилди. Бу опера асарнинг ёш қаҳрамонлари муҳаббати ва феодал тузум асосида уларнинг ҳалок бўлиши ҳақидадир. Операда поэманинг асл маъноси ўзгартирилмай берилган. Ансамбль ва хор операга яхши киритилган бўлиб, оркестр унга жўр бўлади. Бундан ташқари мақом ва бошқа халқ оғзаки жанрлардан парчалар, намуналар берилиши; Р. Глиэр каби нозик дидли санъаткорнинг ишлаши ва халққа манзур бўлган асарнинг қўлланилиши бу операни катта муваффақият қозонишга олиб келди. Опера 1940 йилда Тошкентда қўйилди. Хрестоматияга Қайс (Мажнун)нинг биринчи кўринишидаги «Навбаҳор» деб номланувчи арияси киритилди. Ария қаҳрамоннинг севги туйғуларини акс эттиради. Ария тўпламда нашр этилган (Содиқов Т., Глиэр Р. «Лайли ва Мажнун» операсидан ариялар. Тошкент, 1948).

Алексей Федорович Козловский (1905—1976) — рус музикачиларидан бири бўлиб, Ўзбекистонда яшаб, ижод этди. У композитор, дирижёр ҳам устоз-педагогдир. Унинг номи ўзбек профессионал музика маданиятининг ривожланиши ва яратилиши билан боғлиқдир. Козловскийнинг турли жанрлардаги ижодий фаолияти — «Улуғбек» операси, «Тановар» балети, «Тановар», «Достон», «С. Айнийни ўқиб» «Ҳиндча поэма»си каби симфоник поэмаларида, «Лола» симфоник сюитаси, иккита қорақалпоқ сюиталари, овоз ва симфоник оркестри учун қайта ишланган халқ ашулалари, кинофильм ва драматик спектаклларга ёзилган музика асарларида намоён бўлади.

«Улуғбек» операси (Г. Герус ва А. Козловский либреттоси, 1942 йилда яратилган. Иккинчи таҳрири 1958 йилда А. Навоий номли опера ва балет театрида қўйилди) урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳаётида ёрқин из қолдирди. Асар асосида XV асрда яшаб, ижод этган олим-гуманист ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг ҳаётига оид чин тарихий воқеалар, унинг реакцион фанатикларга қарши курашиб, ҳалок бўлиши ифодаланади. Бу тўрт актли опера рус классик анъаналарига асосланган бўлиб, композиторнинг юксак профессионал маҳоратга эга эканлигини очиб берди. Либреттода барча сюжет чизиқлари изчиллик билан очилувчи драматургик мақсадга бўйсунади. Музикали драматургик ривожланиши таъсирчан ва кўтаринки. Асосий конфликт социал тарздаги конфликт бўлиб, асарда интонацион конфликт сифатида амалга оширилади. Сюжетнинг лирик йўлланмаси гўзал қиз Син Дун-Фан образи (Хитой императори Улуғбекка тортиқ қилган, ҳадя этган қиз) билан боғлиқдир.

Хрестоматияда биринчи кўринишдаги эркин ва байрам саҳнаси берилган бўлиб, унда янги мадрасанинг очилиши маросимига майдонга йиғилганлар — Темурийлар — Улуғбек авлоди ва Самарқандга келган меҳмонлар кўрсатилган. Йиғилган-

лар овдан қайтган Улуғбекни шодлик билан кутиб олишлари ифодаланган. Унинг чиқиши олқишлаш хори билан бошланади. Опера клавири нашр қилинган (М., 1961).

Композиторнинг ижод йўналишини икки асар — «Т а н о в а р» (1951) симфоник поэмаси ва иккинчи «Қ о р а қ а л п о қ ч а с ю и т а»сида (1962) ёрқин кўрамиз. Биринчиси халқ лирик ашуласининг қайта ишланган бўлиб, 1971 йилда шу ном билан балетга киритилган эди. Поэмада композитор халқ куйларининг асл мағзини ўзгартирмай, симфоник оркестр воситасида шаклнинг кенг кўламли ривожланишини ва унинг тикланиш жараёнини кўрсатишга эришди. Хрестоматияга поэмадан парча киритилган, партитура нашр қилинган (М., 1959).

Иккинчи «Қорақалпоқча сюита»си эса беш қисмдан иборат бўлиб, композитор томонидан ёзиб олинган қорақалпоқ халқ қўшиқ ва куйларига асосланган. Хрестоматияда сюитанинг иккинчи қисми —«Шўр кўллар олдида» берилган. ЎзССР композиторлар союзи кутубхонасида сақланувчи партитура қўл ёзмадан фортепианога солинган.

Георгий Александрович Мушель (1909 туғилган) — деярли барча жанрларда ижод этувчи композитордир. У тўрт балет («Раққоса» (1952) — биринчи ўзбек балети, «Бахт гули», «Кашмир афсонаси», «Самарқанд афсонаси»), уч симфония (№ 1, 1938 йили республикада ўзбек материали асосида ёзилган биринчи симфониядир), олтита фортепиано ва битта скрипка концертлари, камер асарлар, фортепиано учун «24 прелюдия ва фуга», пьесалар, орган учун асарлар, романсларнинг муаллифидир.

Г. Мушель Ўзбекистонда чолғу концерт жанрига асос солди. Композиторнинг 1950 йилда оркестр билан фортепиано учун ёзган Тўртинчи концерти республикамиз концерт жанри ичида энг яхши асар ҳисобланади. Бу концерт миллий (ўзбек куйига асосланган) ҳамда умумевропа (рус ва совет) классикларининг анъаналари синтези, композиторнинг серқирра ижодидаги услубини кўрсатади. Хрестоматияда асарнинг финал қисмидан парча берилган бўлиб, ҳаётий ва кўтаринки руҳда ижро этилади. Концерт нашр қилинган (М., 1954).

70-йиллар ўрталарида Ўзбекистонда биринчи «24 прелюдия ва фуга»лар цикли Г. Мушелнинг фортепиано музикасига қўшган улкан ҳиссаси бўлди. Хрестоматияда А. Навоий хотирасига бағишланган прелюдияда ва доминор фугадан парча берилган. Элегик прелюдияда пинҳона мотам юриши белгилари сезилади. Фугадан олдин келадиган речитативдаги аккорд комплекслари гўё нотиқ сўзи ёки омма сўзи билан бўлиниб қабул қилинади (речитатив дастлабки кўринишда, кейин тўлароқ фуга экспозициясида ва охирида такрорланади). Речитативдан учовозлик фуганинг темаси ривож топади. Цикл нашр қилинган (М., 1978).

Минасай Левиев (1912) — кекса авлод композиторларидан, қўшиқ ҳамда музикали театр жанрида ижод қилади. М. Левиев бир неча музикали драма ва комедиялар, «Суҳайл ва Меҳри» балети, драматик спектакль ва кино учун музикалар, кантата («Ёрқин йўл», «Оқ олтин»)лар, қўшиқ, романс, камер асарлар авторидир.

М. Левиев **«Олтин кўл»** (Уйғун либреттоси, биринчи редакцияси 1949 йили Муқимий номли театр саҳнасида қўйилган, иккинчи редакцияси 1952 йили саҳналаштирилди) музикали комедияси С. Бобоевнинг «Ватан ишқи», И. Акбаровнинг «Момо ер» музикали драмалари каби урушдан кейинги даврни ифодалаб, ўша даврдаги замонавий мавзуда кескин бурилиш ясадилар. Бу асарлар Ўзбек композиторларининг мустақил ижод қилишини кўрсатиб берди (авваллари ҳамкорликда (икки ижодкор), саҳна асарлари юзага келарди).

«Олтин кўл»— биринчи ўзбек музикали комедиясидир. Бу асар қишлоқ меҳнаткашларига бағишланган бўлиб, музикаси ёрқин миллийлиги, оҳангдорлиги, енгил эсда қолиши билан ажралиб туради. Қўшиқ, ария, дуэтлар халқ куйи ва қўшиқларига яқинлиги билан бирга ўзгачалиги билан ажралиб туради. Хрестоматияда Каромат, Саври, Ёқуб ва Қамбар квартети «Чий туттик» (учинчи кўриниш) берилган. Квартет халқ қўшиқлари, лапар жанрига асосланган бўлиб, диалог (қизлар ва йигитлар айтишуви) сифатига келтирилган. Квартет тўпламда нашр қилинган (Левиев М. «Олтин кўл» музикали комедиядан парчалар, Тошкент, 1979).

Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов (1916) — қобилиятли композиторлардан, ижодий қизиқиши, асосан, вокал музикаси билан боғлиқдир. Ўзбекистон ССР Давлат гимнининг муаллифи. «Ленин партиясига қасида» (1959)си билан ўзбек музикаси «Лениниома»сига йўл очиб берди. Бурҳонов жўрсиз хорлар, романслар, қўшиқ ва чолғу асарлар авторидир. Бурҳонов ўзининг жўрсиз хорлари билан Шарқ халқлари куйларининг кўп овозли хор воситалари орқали садолаштирилишини намойиш қилди. Хрестоматияга скрипка, виолончель ва фортепиано учун трионинг биринчи қисми, жўрсиз қайта ишланган ўзбек халқ қўшиғи «Ёрларим», «Табассум қилмадинг» романси киритилган.

Трио (1940) — Ўзбекистонда камер-чолғу музикасининг биринчи намунаси бўлиб, композиторнинг тематик материалига асосланган. У икки қисмдан иборат: биринчи қисм — романтик ҳаяжонли, эмоционал Moderato бўлиб, оҳангдор темага асосланган: иккинчи қисм — Allegro рақсбоп усуллардан иборат. Биринчи қисм алоҳида асар бўлиб нашр этилган (Тошкент, 1979).

Қайта ишланган **«Ёрларим»** қўшиғи (XIX аср иккинчи ярмида яшаб, ижод этган Муқимий шеъри) жўрсиз хор учун қайта ишланган олтита Совет Шарқи халқлари қўшиқлари циклига киради. Бу циклнинг яратилиши Ўзбекистонда жўрсиз (а'капелла) хорлар жанрнинг яратилишига асос бўлди. Композиторнинг хорларидаги полифоник ва гармоник ривожлантириш услублари табиатан миллий музикаси хусусиятларини кўп овозли профессионал музика элементлари билан уйғунлаштириб, барча ифода воситаларининг услубан яхлитлигига эришади. Шулардан бири, асарда ягона ритмик тузилмани такрорлайдиган (остинато) баслар партияси садолаштирилган усулдир. Цикл нашр қилинган (Тошкент, 1954).

«Табассум қилмадинг» романси (1946), А. Навоий сўзи, М. Бурҳонов вокал лирикасидаги энг яхши асарларидан бўлиб, урушдан кейинги даврда Ўзбекистонда романс жанрининг ривожланиши (Д. Зокиров, С. Юдаков, кейинчалик Икр. Акбаров, С. Бобоев ижодида)да бурилиш бўлди. У рус камер-вокал лирикасининг сезиларли таъсирида, лекин миллий заминга боғланган ҳолда шакллана борди. Киши ички дунёсини теран ифодалаш мазкур асарга хосдир. Унинг музикаси эмоционал тўлқин, оҳанглари куйчан, куй ва ритмик тузилишлари ўзгачадир. Бу эса М. Бурҳонов ижодига хос хусусиятдир. Романс тўпламда нашр этилган (Бурҳонов М. Севимли диёр (Край мой любимый). Тошкент, 1969.)

Соломон Александрович Юдаков (1916) — ўз услубига эга бўлган, вокал музикаси жанрида асарлар яратаётган талантли композитордир. У кўпгина вокал-симфоник асарлар («Ғалаба» кантатаси, «Менинг Ватаним», «Ленин хотираси» кантаталар, «Мирзачўл» сюитаси), биринчи ўзбек комик операси «Майсаранинг иши», «Жонли олов» ва «Насриддиннинг ёшлиги» балетлари, «Ғалаба» балет-ораторияси, кинофильмларга музика ҳамда камер-чолғу асарлари ва романсларнинг авторидир.

Хрестоматияга «Майсаранинг иши» операсидан Муқаддима (Пролог), «Мирзачўл» сюитасидан биринчи қисм — «Мирзачўл комсомоллари марши» ва «Партия ҳақида ёшлар қўшиғи» киритилган.

С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси (С. Абдулла ва М. Муҳамедовларнинг Ҳамза пьесаси асосида ёзилган либреттоси) Ўзбекистонда ҳали биринчи ва ягона комик операдир. Опера асосида Майсаранинг севишганлар — жияни Ойхон ва унинг севиклиси Чўпонни ҳимоя қилиш мақсадида порахўр қози, мулла ва ҳамтовоқларига қарши тузган плани ётади. Комедия Муқаддимасида ҳамма асосий қаҳрамонлар лейтмотив характеристикаси билан кўрсатилган. Опера 1959 йили А. Навоий номли опера ва балет театрида саҳнага қўйилган, ундан ташқари, «Ромэн» театрида, Туркманистон, Қирғизистон, Бошқирдистон АССР ҳамда Лодзи шаҳрида (ПХР) қўйилган. Опера клавири нашр қилинган (М., 1962).

«Мирзачўл сюитаси» (1951, Ғ. Ғулом сўзи) Ўзбекистонда кантата жанри яратилиши даврида (М. Левиевнинг «Ёрқин йўл» ва «Оқ олтин», Д. Соатқуловнинг «Пахтакорлар тинчлик учун», С. Бобоевнинг «Ҳосил байрами») пайдо бўлди ва ўзининг катта бадиий хусусиятлари ва ҳақиқий демократизми билан ажралиб туради (республика профессионал ва ҳаваскор хорлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган). Сюита олти қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири ўтмишда чўл бўлиб ётган Мирзачўлни ўзлаштириб, яшнаган бўстонга айлантирган чўлқуварлар ҳаётидан олинган ҳар лавҳадек кўрилади. Асар 1951 йил СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Сюита клавири нашр қилинган (Л., 1951).

«Партия ҳақида ёшлар қўшиғи» (1954, А. Мухтор сўзи) урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда яратилган гимн-қўшиқ, Ленин, партия Ватанга бағишланган қўшиқлар орасида ажралиб туради. Қўшиқ оҳангида анъанавий ўзбек фольклори элементлари янги музика услуби элементлари (кварта интонацияларининг активлиги, ритмнинг шахдамлиги) билан уйғунлашиб кетади. Асар нашр этилган (Песни Узбекистана. Киев, 1972).

Собир Бобоев (1920) — замонавий темаларни ўз асарларида ёритган, таниқли композитордир. У уч опера («Ҳамза», «Фидоийлар», «Ёрилтош» — болалар-эртак операси), бир неча музикали драмалар, вокал-симфоник ва симфоник асарлар, хорлар, қўшиқ ва романслар муаллифи.

С. Бобоевнинг «Ватан ишқи», музикали драмаси (либретто авторлари З. Фатхуллин ва Ш. Саъдулла, 1957 йили Муқимий номли театрда қўйилган) ўзининг янгича интонациялари ва мавзуи билан ўзбек музикали драмаси ривожида муҳим босқич бўлди. Сюжет асосини Ўзбекистонда гражданлар уруши тарихидан бир лавҳа ташкил қилади. Асар қаҳрамонлари ёрқин музикавий образлар характеристикаси билан яратилган. Спектакль асосидаги конфликт музикада ўз ифодасини топади, шу билан бу музикали драма ўзининг музикали драматургияси ривожланганлиги билан ажралиб туради. Асар яккахон, ансамбль ва хор номерлари билан бой, ҳар бир қаҳрамон ўз характеристикасига эгадир. Олимжон ва Зулфиянинг биринчи кўринишдаги дуэт-қўшиғи, тўй арафасини ифодалайди. Йигит қизга тўй туҳфаси сифатида зирак тақдим этади. Уларнинг қувноқ ва шўх кайфиятларини музика етказиб беради. Дуэт тўпламда нашр қилинган (Музикали драмалардан парчалар. Тошкент, 1958).

«Ҳамза» операси (К. Яшин либреттоси А. Умарий ва К. Яшининг шу номдаги драмаси асосида ёзилган, 1961 йили А. Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилган) совет даври қаҳрамони образини ифодаловчи, вазиятлар драматизми ва музикали ривожланишнинг ўткирлиги билан ажралиб туради. Асар сюжетига Совет давлатига қарши бўлган бой ва руҳонийларнинг революционер-шоир Ҳамзага қарши фитналари ва уни жосусларча ўлдиришлари асос қилиб олинган. Вокал номерларининг аксарияти саҳна воқеасидан келиб чиқиб, қаҳрамонларнинг кечинмалари орқали ифодаланади. Иккинчи кўринишда Зикр саҳнаси орқали Ҳамзанинг душманлари ифодаланади. Унинг музикавий ривожи (зикрни ҳофиз бошлайди, дарвишлар хори эса асосий ритмик ҳолатни — усулни ушлаб туради) аста-секин кучайиб, экстатик ҳолатдан экспрессивликка олиб келади. Ҳар хил мелодик йўналмаларнинг ўзаро эркин боғланиши, ички динамизми кучли кўринишни яратади, опера ва балет театри кутубхонасида сақланувчи қўл ёзма клавиридан олинган.

Икром Акбаров (1921) — таниқли ўзбек композиторларидан, йирик асарлар автори («Сўғд элининг қоплони» операси, «Орзу», «Лайли ва Мажнун» балетлари, «Шоир хотираси», «Эпик поэма» симфоник поэмалари, «Почта» сюитаси, «Самарқанд ҳикоялари» симфонияси, «Тошкентнома» ора-

ториясн, «Ҳамса» вокал-симфоник поэмаси, скрипка ва оркестр учун концерти, учта торли квартети ҳамда музикали драма, киномузика, романс ва қўшиқлардир.

Икр. Акбаровнинг «Момо ер» музикали драмаси (Ч. Айтматовнинг повести асосида Т. Тўла либреттоси, 1965 йили Муқимий номли театрда саҳналаштирилган) — мазкур жанрдаги яна бир босқич даражаси. Асарда музика адабий текст билан кенг даражада музикали драманинг ғоявий мазмунини очишда иштирок этади. Буни эса, аввалгамбор, барча компонентлари (яккахон номерлар, вокал ансамбллар, хор ва оркестр) асарнинг асосий ғоясини ифодалашга қаратилган музикали драматургиянинг ривожланганлигида кўрамиз. Хрестоматияда биринчи кўринишдан саҳна орқасидан эшитилаётган хор фрагменти берилган. Бу она ерга мурожаат бўлиб, бутун асарнинг лейтмотивидир. Хор нашр қилинган. (Акбаров Ик. Момо ер. Музикали драмадан парчалар. Тошкент, 1977).

Икр. Акбаровнинг иккинчи квартети (иккита скрипка, альт ва виолончель учун) унинг квартетлар триадаси (1963, 1966, 1975) га киради. Ўзбекистонда бошқа камер жанрларга қараганда, айниқса, торли квартет мустаҳкам ўрин эгаллади (Д. Соатқулов, Б. Гиенко ва бошқалар ижоди). Икр. Акбаровнинг Иккинчи квартети лирик жанрли тематизмининг самимийлиги, ифодаланаётган образларнинг аниқ ва конкретлиги билан ажралиб туради. Асардаги симфоник принциплар фақат темаларни намойиш этиш ва ривожлантириш маҳоратидагина эмас, балки темалар тузилишининг ўзида ҳам билинади. Ташқаридан содда бўлиб кўринган бош партия темаси аслида бирмунча мураккаб тузилишга эга. Бош мотив — негизи кенг тарқалган ўзбек халқ болалар қўшиқларига; 20—30- йилларнинг оммавий қўшиқларига таянади. Парча биринчи марта нашр қилинмоқда. Қўл ёзма ЎзССР композиторлар союзи кутубхонасида сақланади.

Икр. Акбаровнинг скрипка учун концерти (1962) урушдан кейинги даврда бу жанрда яратилган етук асарлардандир (Г. Мушель ва С. Жалил концертлари ҳам ажралиб туради). Акбаровнинг бу асари композиторнинг ўзбек миллий музикали фольклорини яхши билиши, тематизмни ривожлантира олиши, шаклни туза билишидан далолат берарди. Ёрқин лирика, драматик образлар ва беғам байрам шодиёнаси асарнинг уч қисмда намоён бўлади. Асар биринчи марта нашр қилинмоқда.

Энмарк Солиҳов (1934) — Ўрта авлод композиторларидан, Тошкент давлат консерваториясининг талабаси (1963), бир неча симфоник поэмалар авторидир (шулар орасида «Генерал Собир Раҳимов хотирасига» бағишланган поэма, 1960 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди ва бир қисмли симфония ҳамда «Алангали қўшиқ» балети, камер-чолғу асарлар, киномузика, эстрада учун асарлар.

Фортепиано учун Соната (1961) — 60—70- йилларда ўзбек интонациялари асосида дастлабки тажриба сифатида яратилган асар (С. Абрамов, Н. Зокиров ҳам бу жанр устида ишламоқдалар). Асар цикли (уч қисмдан иборат) ўзига хос талқин қилиниши ва интонацион изланишлари билан диққатга сазовордир. Солиҳов ўз асарида классик соната анъаналарини ўзбек чолғу мероси шакллари билан уйғунлаштирган. Сонатанинг биринчи қисми икки темали композицияни ташкил қилиб, мақом шаклига ўхшашдир (биринчиси ривожланувчи хона сифатида, иккинчиси — ўзгармас бозгўй сифатида). Асар биринчи марта нашр қилинмоқда.

Феликс Маркович Янов-Яновский (1934) — катта истеъдодли композитор, гражданпарвар санъаткор. 1957 йили Тошкент консерваториясининг скрипка классини, 1959 йилда композиция классини тугатди. Симфоник ва камер музикаси, театр ва кино музикаси, эстрада жанрларида самарали асарлар яратаётган композитордир. Унинг асарлари ичида камер оркестри учун Кончерто гроссо, оркестр учун концерт, скрипка ва оркестр учун концерт, «Чет элли Петрушка» болалар комик операси (Маршак асари асосида), камер ансамбли ва овоз учун «Элегия», вокал-симфоник поэмаси «Мен вақтни эшитяпман» (Н. Браун сўзи), «Нидо» (Э. Межелайтис сўзи) ораторияси ва «Чилининг овози» (чилилик шоирлар шеъри) киради.

Оркестр учун Концерт (1973) беш қисмдан иборат бўлиб (Прелюдия, Интермеццо, Токката, Интермеццо, Бассо остинато), кончерто гроссо жанри маҳаллий материал заминида юзага келганлиги билан диққатга сазовордир (мақомлар услубига ўхшаш). Нашр этилган партитурадан фортепиано учун қайта куйга солинган (Симфонические произведения советских композиторов, вып. 7. М., 1980).

Рашид Ҳамроев (1937) — 1961 йил Тошкент консерваториясини, 1966 йили аспирантурани тугатган. У икки опера («Зулматдан зиё», 1965 йили А. Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилиб, биринчи Симфонияси билан биргаликда Ҳамза номли ЎзССР Давлат мукофотига сазовор бўлди; «Тонг олдидан» (1972 йили А. Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилди), иккита симфония, фортепиано ва скрипка учун концертлар, драматик спектаклларга музика басталаган. Биринчи симфония (1965) — тўрт қисмли цикл бўлиб, бойлар ва ҳақсизлик қурбони бўлган, биринчи ўзбек актрисалари ҳаётига бағишланади. Шу боисдан музика алоҳида драматик характерга эгадир. Асосий музикавий тема, ўзига хос лейттема, ўзбек қизи образи билан боғлиқ бўлиб, асарнинг ҳамма қисмларини бирлаштиради.

Хрестоматияда биринчи қисмнинг экспозицияси берилган. ЎзССР Композиторлар союзининг Музфонди кутубхонасида сақланувчи партитура қўл ёзмасидан фортепиано учун қайта ишланган.

Мирсодиқ Тожиев (1944) — Ўзбекистондаги ёш, истеъдодли композиторлардан бири. У ижодининг серқирралиги билан ажралиб туради. У 1970 йили Тошкент консерваториясини тугатиб, симфоник музика билан шуғуллана бошлади. А. Навоий хотирасига бағишланган «Шоир севгиси» поэмаси, тўққизта симфония ва бошқа асарлар авторидир. Тожиев — ЎзССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати (Учинчи симфонияси учун) ва Бутуниттифоқ

Ленин комсомоли мукофоти лауреати (Тўртинчи симфонияси учун). Учинчи симфония (1972) — Олмаотада бўлиб ўтган Осиё давлатларининг III Халқаро Трибунасида муваффақият билан ижро этилди (1973). Тожиев ўз асарида мақомларнинг айрим хусусиятларини янги, замонавий савияда кўрсатишга ҳаракат қилади. Симфония драматургиясининг ўзига хослиги, айниқса биринчи қисмда намоён бўлади. Биринчи қисм — Адажио — Аллегро — характери ва ҳаракат йўналиши билан анъанавий ўзбек лирик куйларига яқин бўлиб, икки тема ривожи асосида оригинал драматургияни ҳосил қилади: биринчиси — чуқур лирик тема бўлса, иккинчиси — ҳаяжонли ва таъсирчан тема — ёрқин лирикани ифодалайди.

Биринчи қисмдан парча хрестоматияга кирган. ЎзССР композиторлар союзининг Музфонди кутубхонасида сақланувчи партитура қўл ёзмасидан фортепиано учун қайта ишланган. Биринчи марта нашр этилмоқда.

ХРЕСТОМАТИЯНИНГ НОТАГА МИСОЛЛАРИ ТАРЖИМАСИ ВА УНДАГИ ИЗОҲЛАР.

Ўзбек музикаси тарихи бўйича хрестоматия

Музика мероси

Шашмақом*

Бузрук мақомидан парчалар. Мушкилот (чолғу бўлими)

Тасниф

Шашмақомнинг ҳамма қисмлари, шулар жумласидан, ашула бўлимининг қисмлари ҳам, анъана бўйича танбур (ёки дутор) ва доира, ҳозирги вақтда чолғучилар ансамбли жўрлигида ижро этилади.

Мухаммас

Наср (ашула бўлими)

Сарахбор	Лутфий ғазали
Талқини уззол	А. Навоий ғазали
Насри уззол	А. Навоий ғазали
Уфори уззол	Нодира ғазали

Бир келсин (катта ашула)* Мискин ғазали
Катта ашула жанри жўрсиз ижро этилади.
Тановар (ашула)**
Халқ сўзи
Ашуланинг ижроси овоз ва дутор жўрлиги билан ҳамоҳангдир.
Яллавони (ялла) Халқ сўзи
Ёр нималар девдим сизга (лапар)*.
Халқ сўзи. Лапар жанри икки қўшиқчи (ёки иккита унисонли хор группаси) билан диалог шаклида ижро этилиб, баъзан яккахон ва дутор жўрлиги ҳамоҳангдир.
Садқаси (қўшиқ)** Халқ сўзи
Қўшиқ яккахон, дутор ва доира жўрлигида ижро этилади.
Ёр-ёр (тўй-маросим қўшиғи)* Халқ сўзи
Тўй-маросим қўшиқлари унисонли хор билан доира жўрлигида ижро этилади.
Бойчечак (болалар қўшиғи)** Халқ сўзи

Солист (яккахон) ва унисонли хор (хор фақат „Бойчечак" сўзини такрорлайди) жўрсиз ижро этади.
Роқ (танбур куйи)
Қўштор (дутор куйи)
Ёлғиз (ғижжак ва доира учун)
Ми бекар пастроқ ми бемолга яқин эшитилади.
Шодиёна (сурнай ва ноғора учун)
Чўпонча (ғажир най учун).

КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИ

1. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929). Яша Шўро. Овоз ва фортепиано учун. Ҳамза сўзи ва куйи. Фортепиано жўри—Икр. Акбаров.

2. Виктор Успенский (1879—1949). Чаманда гул. Ўзбек халқ рақс қўшиғи қайта ишланган. Иккита аёл овози, альт, виолончель ва фортепиано учун. Халқ сўзи, В. Беляев таржимаси.

3. Виктор Успенский, Георгий Мушель. Ширин арияси—„Найларам", „Фарҳод ва Ширин" музикали драманинг тўртинчи кўринишидан Хуршид либреттоси, В. Бугаевский таржимаси. Г. Мушель фортепианога солган.

4. Тўхтасин Жалилов (1896—1966). Сигнал*, овоз ва чолғу ансамбли учун. Халқ сўзи.

*) Чолғу ансамбли овоз билан ҳамоҳангдир.

5. Тўхтасин Жалилов, Габдураҳим Собитов. Бахту иқбол. Нурхон қўшиғи, „Нурхон" музикали драманинг учинчи кўринишидан. К. Яшин либреттоси, М. Ушаков таржимаси, Г. Собитов фортепианога солган.

6. Мухтор Ашрафий (1912—1975), Сергей Василенко (1872—1956). „Бўрон" операсидан парчалар. Бўрон арияси, биринчи кўринишидан. К. Яшин либреттоси, С. Северцев таржимаси, авторлар фортепианога солган.

7. Мухтор Ашрафий. Қўзғолончилар хори, тўртинчи кўринишдан. Тоғдаги дара. Туманли тонг. Қўзғолончилар лагери. Одамлар сўнган гулхан атрофида ётишибди.

8. Мухтор Ашрафий. Биринчи Симфония, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига. В. Дьяченко фортепианога солган.

9. Мухтор Ашрафий. Темур-Малик ва Зарина Адажиоси, „Севги ва қилич" балетининг иккинчи кўринишидан. М. Ашрафий ва Г. Геловани либреттоси, В. Дьяченко фортепианога солган.

10. Толибжон Содиқов (1907—1957), Рейнгольд Глиэр (1874—1956). Навбаҳор. Қайс (Мажнун) арияси, „Лайли ва Мажнун" операсининг биринчи кўринишидан. Хуршид либреттоси, М. Ушаков таржимаси, Р. Глиэр фортепианога солган.

11. Алексей Козловский (1905—1976). Саҳна, „Улуғбек" операсининг биринчи кўринишидан. Тимурийлар намойиши. Улуғбекнинг чиқиши. Г. Герус ва А. Козловский либреттоси, автор фортепианога солган.

Хизматкорларнинг соябон билан чиқиши. Алвон кўйлакли маликаларнинг пайдо бўлиши. Маликаларнинг кўйлаги этагини (шлейфини) кўтариб келаётган кулларнинг тантанали чиқиши. Улуғбекнинг лашкарбошилари, севимли овчилари ва бошқа ҳамкорларининг чиқиши. Улуғбек пайдо бўлади.

12. Алексей Козловский. Тановар. Поэма (симфоник оркестри учун). В. Дьяченко фортепианога солган.

13. Алексей Козловский. Иккинчи қорақалпоқча сюита (симфоник оркестри учун). „Шўр кўллар оллида", В. Дьяченко фортепианога солган.

14. Георгий Мушель (1909). Концерт № 4 (фортепиано ва оркестр учун). Автор фортепианога солган. III қисм (Финал).

15. Георгий Мушель. Прелюдия ва фуга, А. Навоий хотирасига, до минор (фортепиано учун).

16. Минасай Левиев (1912). Чий туттик. Квартет, „Олтин кўл" музикали комедиянинг учинчи кўринишидан. Уйғун либреттоси, автор фортепианога солган.

17. Мутал Бурҳонов (1916). Трио (скрипка, виолончель ва фортепиано учун).

18. Мутал Бурҳонов. Ёрларим. Ўзбек халқ қўшиғи қайта ишланган. Жўрсиз хор учун. Муқимий ғазали, М. Ушаков таржимаси.

19. Мутал Бурҳонов. Тасассум қилмадинг. Романс, овоз ва фортепиано учун. А. Навоий ғазали, М. Ушаков таржимаси.

20. Соломон Юдаков (1916). Муқаддима (пролог), „Майсаранинг иши" комик операсидан. С. Абдулла ва М. Муҳамедов либреттоси, С. Болотин ва Т. Сикорскаянинг русча тексти. Автор фортепианога солган.

21. Соломон Юдаков. Мирзачўл (хор ва симфоник оркестр учун сюита). I. Мирзачўл комсомоллари марши. Ғ. Ғулом сўзи, Н. Бирюков таржимаси. Автор фортепианога солган.

22. Соломон Юдаков. Партия ҳақида ёшлар қўшиғи (солист, хор ва оркестр учун). А. Мухтор сўзи, С. Болотин таржимаси, автор фортепианога солган.

23. Собир Бобоев (1920). Олимжон ва Зулфия дуэти, „Ватан ишқи"

музикали драмасининг биринчи кўринишидан. З. Фатхуллин ва Ш. Саъдулла либреттоси, М. Ушаков таржимаси, автор фортепианога солган.

24. Собир Бобоев. Зикр саҳнаси, „Ҳамза" операсидан, иккинчи кўриниш. К. Яшин либреттоси, автор фортепианога солган.

25. Икром Акбаров (1921). Хор, „Момо ер" музикали драмасининг биринчи кўринишидан. Т. Тўла либреттоси, автор фортепианога солган.

26. Икром Акбаров. Квартет № 2 (икки скрипка, альт ва виолончель учун).

27. Икром Акбаров Концерт (скрипка ва оркестр учун). Скрипка ва фортепианога автор солган.

28. Энмарк Солиҳов (1934). Фортепиано учун соната.

29. Феликс Янов-Яновский (1934). Оркестр учун концерт. Прелюдия. В. Дьяченко фортепианога солган.

30. Рашид Ҳамроев (1937). Биринчи симфония. В. Дьяченко фортепианога солган.

31. Мирсодиқ Тожиев (1944). Учинчи симфония. В. Дьяченко фортепианога солган.

СОДЕРЖАНИЕ

На узбекском и русском языках

ХРЕСТОМАТИЯ ПО ИСТОРИИ
УЗБЕКСКОЙ МУЗЫКИ

Составители
ТАМАРА ЕВГЕНЬЕВНА СОЛОМОНОВА
РУСТАМ САМИГОВИЧ АБДУЛЛАЕВ

Ташкент, „Ўқитувчи", 1984

Зав. редакцией *С. Х. Юлдашева*
Редакторы: *Х. Юсупова, Г. И. Александрова*
Худож. редактор *П. А. Бродский*
Техн. редактор *Т. Грешникова*
Корректоры: *Ф. Кариева, А. Ибрагимов*

ИБ № 2296

Теришга берилди 14. 02. 83 й. Босишга рухсат этилди 24. 11. 83 й. Р-21410. Формат 60×90¹/₈. Тип. қоғози № 1. „Литературная" гарн. Кегль 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 26,0. Нашр. л. 27,45. Тиражи 2500. Зак. № 790. Баҳоси 1 с. 40 т.

„Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 16—256—82.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент „Матбуот" полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1- босмахона. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1984 й.

Типография № 1 ТППО „Матбуот" Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Хамзы, 21.

С 77

Соломонова Т. Е., Абдуллаев Р.
Ўзбек музикаси тарихи хрестоматияси: Муз. олий ўқув қўлл. / [В. Дьяченко таҳрири остида].— Т.: Ўқитувчи, 1983.— 208 б.
Тузувчилар чиқиш маълумотларида кўрсатилган.
Тит. в. ва текст парал. ўзб. ва рус. тилларида.

1. Автордош.

Соломонова Т. Е., Абдуллаев Р. Хрестоматия по истории узбекской музыки: Учеб. пособие для студ. муз. вузов.

ББК 85.23 (2У)я7
78С

УВАЖАЕМЫЕ ЧИТАТЕЛИ!

Издательство „Ўқитувчи“ в 1984 году выпустит в свет следующие учебные пособия:

„Музыкальное воспитание и образование в Узбекистане“ **Юлдашева С. Х.**

„Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества“ **Гафурбеков Т. Б.**

„Эстетическое воспитание“ **Толстых В. И.** и др.

„Методика преподавания музыкальных дисциплин“ сборник ССМШ им. Успенского, спец. ред. **Юлдашева И. Г.**

„Исполнительство и музыкальная педагогика“ сборник ТГК им. Ашрафи спец. ред. **Плунгян В. З.**